

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ВА ИЖТИМОИЙ СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ



РЕЖА:

1. Солиқ тўловчи жисмоний шахслар, уларнинг даромад манбалари (турлари), солиқ солиш объекти ва базаси
2. Солиқ солинмайдиган даромадлар ва айрим жисмоний шахсларни солиқ солишдан озод қилиниши
3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари ва солиқ ҳисоблаш ҳамда бюджетга тўлаш тартиби
4. Солиқ солишнинг алоҳида тартиблари ва вақтинчалик солиқ имтиёзлари
5. Ижтимоий солиқни тўловчилар, солиқ солиш объекти ва имтиёзлар
6. Ижтимоий солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

ХОДИМЛАР МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ

Меҳнат фаолиятини амалга ошириш



ИШ БЕРУВЧИ



Меҳнат шартномаси



ХОДИМ

*Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори
томонларнинг келишувига кўра
белгиланади*

Ходим меҳнатига ҳақ тўлаш

*Меҳнатга ҳақ тўлаш қонун
ҳужжатлари билан белгиланган
меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам
миқдоридан кам бўлиши ва энг кўп
миқдор билан чегараланиши мумкин
эмас.*

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ

*2022 йил 1 июндан:
ойига 920 000 сўм*

*2023 йил 1 майдан:
ойига 980 000 сўм*

БАЗАВИЙ ҲИСОБЛАШ МИҚДОРИ

*2022 йил 1 июндан: ПФ-138-сон.
ойига 300 000 сўм 20.05.2022 й.*

*2023 йил 1 майдан: ПФ-45-сон.
ойига 330 000 сўм 28.03.2023 й.*

ХОДИМЛАР МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ



ИШ БЕРУВЧИ



Ходимларга ҳисобланадиган пул, натура,
моддий наф тарздаги ва бошқа
даромадлар бўйича

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН
ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ**

①

Ҳисоблаб
чиқариш

②

Ходимлардан
ушлаб қолиш

③

Бюджетга
ўтказиш

Ходимлар меҳнатиغا ҳақ тўлашга доир
харажатлари бўйича

ИЖТИМОИЙ СОЛИҚ

①

Бюджетга
ўтказиш

②

Ҳисоблаб
чиқариш

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎЛОВЧИЛАР

СК. 364-модда



СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР



1) Ўзбекистон Республикасининг
резидентлари бўлган
жисмоний шахслар

2) Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан
даромад оловчи Ўзбекистон Республикасининг
норезиденти бўлган жисмоний шахслар



Тегишли мақоми ўзига нисбатан белгиланган солиқ даври бошланадиган ёки тугайдиган ҳар қандай кетма-кет 12 ойлик давр давомида жами 183 календарь кундан кўпроқ Ўзбекистон Республикасида ҳақиқатда бўлган жисмоний шахслар **Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари деб эътироф этилади**

СК. 30-модда

СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИ

СК. 365-модда



СОЛИҚ ОБЪЕКТИ



**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ
ЖАМИ ДАРОМАДИ**



*Солиқни қатъий белгиланган
миқдорда тўловчи ЯТТ учун*



Амалга оширилаётган фаолият
турини тавсифловчи
физик кўрсаткичлар

ЖАМИ ДАРОМАД

ҳисобот (солиқ) даври давомида олинган
қуйидаги даромадлардан ташкил топади

СК. 368-модда

РЕЗИДЕНТЛАР УЧУН

Республикадаги ва унинг ташқарисидаги
манбалардан олинган даромадлар

Масалан:



Ўзбекистон фуқароси

- Иш жойидан олган иш ҳақи
- Чет элдаги корхонада улуши бўлса ундан олинган дивиденди

НОРЕЗИДЕНТЛАР УЧУН

Республикадаги манбалардан олинган
даромадлар

Масалан:



Хитой давлати фуқароси (норезидент)

- Фақат Ўзбекистондан олган даромади

СОЛИҚ БАЗАСИ



СОЛИҚ БАЗАСИ

РЕЗИДЕНТЛАР УЧУН

**солиқ имтиёзлари ҳисобга
олинган ҳолдаги жами даромад**

*Масалан: СК. 378; 380-моддаларида назарда
тутилган имтиёзлар*

НОРЕЗИДЕНТЛАР УЧУН

**солиқ имтиёзлари қўлланмаган
ҳолдаги жами даромад**



Солиқ базасини аниқлашда солиқ тўловчининг ҳам пул шаклида, ҳам натура шаклида олган даромадлари ёки даромадларни тасарруф этиш учун юзага келган ҳуқуқлари, шунингдек моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобга олинади.

СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИ



ЖАМИ ДАРОМАД ТАРКИБИ

СК. 370-модда

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРЗИДАГИ ДАРОМАДЛАР

- ҳисобланган иш ҳақи;
- устамалар;
- рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;
- компенсация тўловлари (компенсация);
- ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш;
- бошқа тўловлар

СК. 371-модда

МУЛКИЙ ДАРОМАДЛАР

- фоизлар;
- дивидендлар;
- мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;
- мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар;
- бошқа даромадлар

СК. 375-модда

МОДДИЙ НАФ ТАРЗИДАГИ ДАРОМАДЛАР

- солиқ агенти томонидан товарлар ҳақини тўлаш;
- солиқ агенти текин берган мол-мулк ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати;
- ходимларга транспортда юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси ва бошқалар

СК. 376-модда

БОШҚА ДАРОМАДЛАР

- уйда етиштирилган маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар;
- мусобақаларда, кўрикларда, танловларда бериладиган совринлар, пул мукофотлари;
- ютуқлар;
- грант суммалари;
- муаллифлик ҳақи тариқасида даромадлар ва бошқалар

СК. 377-модда



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБЛАРИ



СОЛИҚ БАЗАСИ



**СОЛИҚ БАЗАСИНИ АНИҚЛАШДА
ҚҲЙИДАГИЛАР ҲИСОБГА ОЛИНАДИ:**

❖ **ПУЛ ТАРЗИДАГИ ДАРОМАДЛАР**

*Масалан: ойлик иш ҳақи, қўшимча тўловлар
ва ҳоказо*

❖ **НАТУРА ЁКИ ДАРОМАДЛАРНИ
ТАСАРРУФ ЭТИШ УЧУН ЮЗАГА КЕЛГАН
ҲУҚУҚЛАР**

*Масалан: иш берувчи томонидан берилган моддий
нарсалар - телевизор, совутгич, соат ва ҳоказо*

❖ **МОДДИЙ НАФ ТАРЗИДАГИ
ДАРОМАДЛАР**

*Масалан: корхона томонидан ходимнинг
коммунал хизматлар ҳақини тўлаши*



❖ **ТУРЛИ СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ БЎЙИЧА СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗА АЛОҲИДА АНИҚЛАНАДИ**

*Масалан: меҳнат ҳақи даромадлари алоҳида, дивиденд тарзидаги даромадлар алоҳида
аниқланади*

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

Солиқ тўловчиларнинг айрим
тоифалари учун чегирма

Айрим турдаги даромадлар учун
чегирма

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

Солиқ солинмайдиган даромадлар
(СК.378-модда)

Даромадларига солиқ
солинмайдиган жисмоний шахслар
(СК.379-модда)

Даромадларига қисман солиқ
солинмайдиган (жами даромади
камайтириладиган) жисмоний шахслар
(СК.380-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармон ва қарорларида белгиланган
имтиёзлар

Айрим ҳудудларида солиқ ставкаларини қўллашнинг
ўзига хос хусусиятлари (СК. 480-2-модда)
Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (СК. 483-модда)

МОДДИЙ ЁРДАМ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

ТЎЛАНАДИГАН ҚУЙИДАГИ МОДДИЙ ЁРДАМЛАРГА ЖШДС СОЛИНМАЙДИ

(СК.378-модда 1-қисми)

Вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила
аъзоси вафот этган ходимга бериладиган —
МҲТЭKMнинг 4,22 бараваригача

Бошқа ҳоллар (СК.377-модда) да, — солиқ даври
учун МҲТЭKMнинг 4,22 бараваригача

Бола туғилиши, ходим ёки унинг
фарзандлари никоҳдан ўтиши
муносабати билан кўрсатиладиган —
МҲТЭKMнинг 4,22 бараваригача

қишлоқ хўжалиги
маҳсулотларини бериш ёки
уларни сотиб олиш учун —
МҲТЭKMнинг 4,22 бараваригача

Меҳнатда майиб бўлиш, касб
касаллиги ёхуд соғлиғига бошқача
шикаст етганда кўрсатиладиган —
МҲТЭKMнинг 4,22 бараваригача

МҲТЭKMнинг 4,22 бараваридан **ошган қисми солиққа тортилади**



Моддий ёрдам ўриндошлик иш жойидан кўрсатилганда **имтиёз декларация орқали олинади**. СК-380-модда 5-қ

ДАМ ОЛИШ ВА ДАВОЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИМТИЁЗЛАР

ДАМ ОЛИШ ВА ДАВОЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИМТИЁЗЛАР

(СК.378-модда 2-3-бандлар)

Қуйидаги тўловларга
ЖШДС солинмайди

Ногирон учун (ходим бўлиши муҳим эмас)
Ўзбекистондаги санаторий-курорт ва
соғломлаштириш муассасаларига йўланмалар
қиймати

Ногиронликнинг олдини олиш ва ходимлар ҳамда
уларнинг фарзандларини реабилитация қилиш
учун техник воситалар харид қилиш бўйича

Ходимлар ва уларнинг болаларига тиббий
хизмат кўрсатиш (даволаш)

Ўз ходимларининг 16 ёшгача
(ўқийдиганларга -18 ёшгача) бўлган болалари
учун республиканинг болалар лагерлари,
санаторий ва соғломлаштириш муассасаларига
йўланмалар қиймати

СОВҒА БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

МҲТЭКМнинг 2,11 БАРАВАРИГАЧА ЧЕГИРМА
(СК.378-модда. 1-қисм 10-банд)

солиқ даври мобайнида
иш берувчидан олинган

Ходимлар
натура шаклида олган совғалар

Илгари ходим бўлган пенсионерлар ва
меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар,
вафот этган ходимнинг оила аъзолари
томонидан олинган совғалар ҳамда бошқа
турлардаги ёрдам



Солиқ кодексида солиқ даври учун МҲЭКМга нисбатан каррали миқдорга тенг сумма кўрсатилган бўлса, имтиёз суммаси солиқ даври охирига белгиланган МҲЭКМ бўйича қайта ҳисобланади.

МАҚСАДЛИ ИМТИЁЗЛАР

МАҚСАДЛИ ИМТИЁЗЛАР

(СК.378-модда 15-16-бандлар)

Ходимнинг ташаббуси билан қуйидаги мақсадларга йўналтирилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги ва бошқа даромадларга ЖШДС солинмайди

Ўз.Р.нинг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш таълим олиш(ўзининг, йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўлов

2023 йил 1 августдан бошлаб солиқ тўловчилар томонидан ёшидан қатъи назар фарзандларининг Ўз. Р. таълим ташкилотларида таълим олишлари учун йўналтириладиган тўловларга солиқ солинмайди. 08.05.2023 й. ПФ-67

Фарзандларига МТМ ва (ёки) мактабларнинг таълимга оид хизматлар учун ота-оналар (фарзандликка олувчилар) томонидан ҳар бир фарзанд учун ойига 3 млн. сўмгача тўловлар

Солиқ кодексида белгиланган шартлар асосида ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар

➤ ёш оила томонидан олинган ипотека кредитлари бўйича солиқ имтиёзи 30 ёшга қадар қўлланилади, бюджет субсидияси шартлари инобатга олинмайди

ШЖБПХга ихтиёрий қўйилма (ўтказма)

*➤ солиқ даври давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг **8 бараваригача** бўлган миқдорда:*

2021 йил 25 июндаги ПҚ-5161-сонли қарорга асосан 2021 йил 1 октябрдан бошлаб

-халқаро ташкилотларга аъзолик бадаллари
(халқаро ташкилот аъзоси сифатида бадалларнинг тўланганлик ҳужжати мавжуд бўлса)

-қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун нодавлат таълим ташкилотларига тўловлар
(ҳужжат мавжуд бўлса)

ҲАР ОЙДА МҲТЭКМНИНГ 1,41 БАРАВАРИГАЧА БЎЛГАН ДАРОМАДЛАРИ СОЛИҚДАН ОЗОД ЭТИЛАДИГАНЛАР БЎЙИЧА ЎЗГАРИШЛАР

Солиқ кодексининг 380-моддасида кўрсатилган солиқ тўловчилар солиқ солишдан қисман (даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридаги даромадлари) озод қилинади.

Бундан 380-модда биринчи қисмининг 3-бандида кўрсатилган қуйидаги шахслар эса меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) озод этилади:



**Болаликдан ногиронлиги
бўлган шахслар ҳамда I
ва II гуруҳ ногиронлиги
бўлган шахслар**

*Болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда
I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга имтиёзлар*

**Ҳар ойда МҲТЭКМнинг 1,41
бараваригача бўлган даромадлар
солиқдан озод этиш
(СК.нинг 380-моддаси биринчи
қисми)**

**2022 йил
1 мартдан
бошлаб:**



**3 бараваригача
оширилди**

СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ



РЕЗИДЕНТ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН

№	Солиқ объекти	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Солиқ солинадиган даромадлар	12
2.	Дивидендлар ва фоизлар тарзидаги даромадлар	5

МАСАЛАН:

❖ «Навоийазот» АЖ ходими:

-ҳисобланган **уш ҳақидан -12 %**;

-ушбу жамиятнинг акциясидан олинган **дивидендидан -5%**

Солиқ агенти ушлаб қолади

❖ Жисмоний шахс:

-кўчмас мулк ижарасидан олинган даромадидан- **12 % солиқ тўлайди**

СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ



НОРЕЗИДЕНТ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН

№	Солиқ объекти	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Дивидендлар ва фоизлар	10
2.	Халқаро ташишларда транспорт хизматлари тақдим этишдан олинадиган даромадлар (фрахтдан олинадиган даромадлар).	6
3.	Меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдаги шартномалар бўйича олинган даромадлар	12

МАСАЛАН:

❖ Туркия фуқароси Ўзбекистондаги текстил фабрикаси акциясидан олган **дивидендидан -10 %**;

❖ Хитой фуқароси Ўзбекистондаги МЧЖдан меҳнат шартномаси (контракти) асосида олган **даромади (иш ҳақи)дан-12 %**;

❖ Ўзбекистонга наслдор молларни Швециядан ташиб келтириб берганлиги (фрахт) учун Швециялик юк ташувчи жисмоний шахс **олган даромадидан-6 %**

Солиқ агенти ушлаб қолади

Фрахт- юкларни тушириш, юклаш, жойлаштириш ва ташишни ўз ичига олади.



МОЛ-МУЛКНИ ИЖАРАГА БЕРУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ

30.12.2022 й. ЎРҚ-813

Т/р	Ижарага бериладиган мол-мулк тури	Белгиланган ставка миқдорини тавсифловчи кўрсаткич	Ойлик ижара тўлови ставкаларининг энг кам миқдорлари, сўмда		
			Тошкент шаҳри 2022/2023	Нукус ш. ва вил. марказ/идаги шаҳар/ 2022/2023	бошқа аҳоли пункт/и 2022/2023
1.	Уй-жойлар:				
	турар жой	умумий майдоннинг 1 кв. метри учун	15 500/ 17000	9 500/ 10500	4 000/ 4500
	нотурар жой		32 000/ 35000	18 500/ 20500	7 500/ 8300
2.	Автомобиль транспорти:				
	енгил автомобиль (йўловчилар, багаж ташишга мўлжалланган ҳамда ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда, ўриндиқлари сони 8 тадан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси)	1 та автотранспорт воситаси учун	630 000/ 695000		
	микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари		1 250 000/ 1 375 000		

Изоҳ: Мазкур ставкалар жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларига **солиқ солиш мақсадида қўлланилади.**

Масалан:

1. Тошкент шаҳрида 20 кв.метрли савдо дўкони 600 минг сўмга ижарага берилган бўлса, солиқ $(20 \times 35000 = 700\,000 \times 12\%) = \mathbf{84000}$ сўм.

2. Фуқаро Nexia русумли енгил автомобилни ҳар ойда 650 000 сўм ҳақ эвазига ижарага берган, солиқ 695 000 сўмга нисбатан ҳисобланади $(695\,000 \times 12\% = 83400)$

СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ



СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ



Солиқ тўловчига даромад
тўлайдиган солиқ агентлари



Мустақил равишда
солиқ тўловчи



Солиқ
агентлари

1



Меҳнат ҳақи ва
унга тенглаштирилган
тўловларни ҳисоблайди

2



Солиқларни
ҳисоблаб чиқаради

3



Солиқ
тўловчидан ушлаб
қолади

4



Бюджет
tizimiga ўтказди

5



Солиқ
ҳисоботларини
тузади

6




Солиқ
ҳисоботларини
топширади

СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ




СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ, УШЛАБ ҚОЛИШ ВА БЮДЖЕТГА ЎТКАЗИШ МАЖБУРИЯТИ ЮКЛАТИЛГАН СОЛИҚ АГЕНТЛАРИ



СК. 386-модда



СОЛИҚ АГЕНТЛАРИДА СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР



Солиқ суммаси ушлаб қолинмаган тақдирда

Солиқ агенти

ушлаб қолинмаган суммани

ва

у билан боғлиқ пеняни

бюджетга ўтказиши шарт




СК. 387-модда

СОЛИҚ АГЕНТЛАРИ ТОМОНИДАН СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ




СОЛИҚ АГЕНТЛАРИ ТОМОНИДАН СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ




Ўзи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахсга моддий наф тарзида даромад тўловчи солиқ агенти жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида солиқни ушлаб қолмасликка ҳақли. Бунда декларация асосида солиқ тўланади.

СОЛИҚНИ УШЛАБ ҚОЛИШ ВА БЮДЖЕТГА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

СОЛИҚНИ УШЛАБ ҚОЛИШ




БЮДЖЕТГА ТЎЛАШ ТАРТИБИ



СОЛИҚ ҲИСОБОТИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

Солиқ агентлари ўзларининг солиқ бўйича ҳисобда турган жойдаги солиқ органига қуйидагиларни тақдим этиши шарт:



 Ходимлари 25 нафардан ортиқ бўлган алоҳида бўлинмаларга ва (ёки) филиалларга эга юридик шахслар, филиаллар ходимларига нисбатан солиқ ҳисоботини - алоҳида бўлинмалар ва (ёки) филиаллар ҳисобда турган жойдаги солиқ органига тақдим этади



ИЖТИМОИЙ СОЛИҚ: ОБЪЕКТИ ВА СОЛИҚ БАЗАСИ



**Иш берувчининг ходимлар меҳнатига ҳақ
тўлашга доир харажатлари**

— **СОЛИҚ ОБЪЕКТИ**



Шунингдек

Республика ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимлар билан таъминлаш юзасидан хизматлар кўрсатишга доир шартномалар бўйича норезидент бўлган юридик шахсга тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари ҳам солиқ солиш объектидир

Қуйидагилар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди:

- ходим соғлигига шикаст етганда зарарнинг ўрнини қоплаш тарзидаги, **белгиланган миқдорлардан ортиқча харажатлар**;
- жисмоний шахсларнинг **пахта йиғим-терими ишларини бажарганлиги** учун меҳнат ҳақи тўлашга доир харажатлар.

СОЛИҚ БАЗАСИ






**Иш берувчининг ходимлар меҳнатига
ҳақ тўлаш тарзидаги харажатлари
суммаси сифатида аниқланади.**

СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ, СОЛИҚ ДАВРИ. ҲИСОБОТ ДАВРИ

T/p	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Солиқ тўловчилар, бундан 2 — 4-бандлардагилар мустасно	12
2.	Бюджет ташкилотлари	25
3.	«SOS — Ўзбекистон Болалар маҳаллалари» уюшмалари	7
4.	Ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланувчи солиқ тўловчилар	4,7

Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан пасайтирилган солиқ ставкалари белгиланиши мумкин
СК. 405-модда

Масалан:



СК. 406-модда

СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОЛИҚ ҲИСОБОТИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ



СОЛИҚНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА ТАҚСИМЛАНИШИ



**ИЖТИМОЙ
СОЛИҚНИ ТЎЛАШ**



**ҳар ойда, солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатларидан
кечиктирмай**

ИЖТИМОЙ СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ ТАҚСИМЛАНИШИ



**Бюджет ташкилотлари
бўйича**



Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига – **99,2 фоиз**



Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига ва Аҳолини
тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасига – **0,4 фоиз**



Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига
0,4 фоиз



**Бошқа тўловчилар
бўйича**



Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига – **98,4 фоиз**



Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига ва Аҳолини
тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасига – **0,8 фоиз**



Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига
0,8 фоиз

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР УЧУН ТЎЛАНГАН ИЖТИМОЙ СОЛИҚ СУММАСИНИ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
2021 ЙИЛ 21 ДЕКАБРДАГИ ПҚ-57-СОН ҚАРОРИГА АСОСАН:**

**2022 ЙИЛ 1 МАРТДАН
БОШЛАБ:**

2024 йил 1 мартга қадар:
иш берувчиларга (бюджет таш. дав. кор., устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ногиронлиги бўлган шахслар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси бюджетдан тўлиқ қайтариб берилади.

Бунда, ижтимоий солиқ суммаси ногиронлиги бўлган шахсларнинг 6 ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарти билан еттинчи ойдан бошлаб қайтарилади.

2023 ЙИЛ 26 АПРЕЛДАГИ ПФ-61-СОН ФАРМОН БИЛАН:

2023 йил 1 майдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада тўловчилар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб берилади.

Маълумот учун, 2021 йил 1 майдан 2023 йил 1 январга қадар ёшларни ишга қабул қилишни рағбатлантириш мақсадида 25 ёшдан ошмаган кадрларни ишга олган корхоналарга, улар томонидан тўланган ижтимоий солиқни қоплаб бериш тартиби жорий этилган эди.